

ШАРТНОМАСИ

" 31 " Январь 2022 йил

Урганч шахри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Хоразм вилояти АЙХББ номидан Низом асосида иш юритувчи Бош бошкарма бошлиги Ф.М.Садуллаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган Янгибозор ТИФУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Р.Жуманов иккинчи томондан, Махаллий ахамиятидаги ега бўлган автомобиль йўллари саклаш ишлари учун мазкур шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартнома куйидага таърифлар кўлланилади:

Саклаш – автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз холатда саклаш, шунингдек автомобиль йулининг бутун узунлигига йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг техник курилмалари иш режимлари буйича комплекс ишлар, йўл, йўл иншоотлари ва ажратилган минтакага караш, дойимиий равиша пайдо буладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартарафа ишларни саклаш, шунингдек автомобиль йўлларини саклаш буйича комплекс ишлар;

II. ШАРТНОМА БЎЙЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган 2022 йил 1 чорак учун саклаш ишлари смета хужжатларига асосан барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва бошка харажатларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 108 000 000 (Бир юз саккиз миллион) сўмни ташкил этиши, харакат хавфсизлигини ташкил этиши ва таъмираш. Шунингдек автомобиль йўлларини саклаш буйича комплекс ишлар;

3. Буюртмачи Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Хоразм вилоят ғазначилик бошкармасида очилган шахсий ғазна хисоб варағидан саклаш ишлари учун ўтказилиши келишилди.

4. Тегиши асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Мазкур шартнома буйича Бажарувчи шартномада курсатилган ишларни бажариш учун:

объектлар буйича дефект актларни тузиш, смета хужжатларини тайёрлаш, ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этиди; шартномада шартларига асосан объектлардаги барча ишларни Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқланган сметаларига мувофик амалга оширади;

саклаш майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида харакат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳатларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Бажарувчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратни ва мазкур шартномада кайд этилган Бажарувчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Бажарувчиндан тугалланган ишларни, амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик равиша кабул килиб олишини таъминлаш;

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чишиш ва карор кабул килиш; молиялаштириш жадвалига биноан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Бажарувчи январь оидан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

31 декабргача амал килади.

9. Саклаш ишларининг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 2022 йил

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

10. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс берши ва жорий молиялаштиришни амалга оширади. Буюртмачи Бажарувчига шартнома буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 5 марта ги № 123-сонли карори ва низомига асосан (режалаштирилган) хар ойда 40 фойз микдорда аванс маблағ ўтказади.

11. Бажарувчи мазкур шартнома буйича йил давомида объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектининг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

12. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда. Бажарувчи бу хакда конун хужжатларida белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равиша хабардор килган холда, шартномага ўзгаришишлар киритишни талаб килиш ёки шартномани бир томонлами тартибида бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

13. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

14. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз таниших хукукига эгадир.

15. Бажарувчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Бажарувчи томонидан ўтказиладиган, таъмираш объектида ишларни амалга ошириш чорига пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш буйича йиғилишларда мунтазам равишида катнашади.

16. Бажарувчи объектда бажарилган ишларнинг хажмларини ижро хужжатларини, килинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объекти учун биринтирилган техник кузатувчи билан хар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача объектининг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) ойнинг 26 кунига кадар Хоразм вилояти АЙХББга топширади.

17. Бажарувчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектида ишларни бажарини мустакил равишида ташкил этиади.

18. Бажарувчи объектида ишларни олиб борши тартибини ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларida белгиланган тартибида жавоб беради.

19. Объектида умумий тартиби таъминлаш Бажарувчининг вазифаси хисобланади.

20. Бажарувчи ўзи томонидан таъмирашда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюллар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларida курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегиши сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

21. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби буйича Бажарувчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Бажарувчи Буюртмачининг манбаатларига жиддий таъсири килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошира, у агар буларнинг курилиш сифатига ва кийматига таъсири этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

VIII. КАФОЛАТЛАР

22. Бажарувчи:

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; смета хужжатларига хамда курилиш меъсрлари, кондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни; ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини; шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида обьектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала килинган ишлар аникланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этиши;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Бажарувчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Бажарувчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичига бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Бажарувчидан ушлаб колиши хукукига эга.

23. Бажарувчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УЗАРО ЙОЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

24. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганликлари учун Буюртмачи ва Бажарувчи Узбекистон Республикасининг амалдаги конундари билан жавоб берадилар.

25. Техник топширик талабларидан ёки шартноманинг бошка муҳим шартларидан четланилганда Буюртмачи ишларнинг тугалланишини кутмасдан, бир томонлама шартноманинг амал килиниши тухтатишга хамда Бажарувчидан келтирилган заарларни коплашни, шунингдек туланган аванс туловларни кайтаришни талаб килишга хамда ишларга бутунлай ёки кисман тулов кильмаслигга хакли.

26. Бажарувчи ушбу шартнома техник топширигига кузда тутилган саклаш ишларини бажаришда йуллар тармоги бўйича харакат хавфензилигини таъминлаш бўйича масъулиятни зиммасига олади.

27. Йулни саклаш ишларининг коникарсизлигидан ДҶХХХ органлари хужжатлари билан тасдикланган йул транспорт ходисаси руй берса, Буюртмачи 25- банд талаблари асосида харакат килишга хакли.

28. Агар Бажарувчи ишларни бажариш билан техник топширикда белгилангандан саклаш ишларни даражасидан паст даражани таъминлаган булса томонларнинг узаро кушимчага келишувига мувофиқ Буюртмачи бажарилган ишлар учун туловни хакикатда эришилган саклаш ишлари даражасига кура амал оширади. Саклаш ишлари руҳсат этилган даражасидан паст курсатичда бажарилган ишлар учун тулов килинмайди. Бажарувчи бу холатда пул маблагларини (авансин хам кушиб) кайтарини ёки ишларни уз хисобидан техник топширикда белгилангандан даражада бажаришни таъминлаши керак.

29. Шартнома шартлари узгартганда томонлар шартномага кушимча келишув баённомасини тузадилар.

30. Шартнома бўйича масалалар тарафларнинг узаро келишувини билан хал килинади. Ако холда жавоб берувчи жойлашган срдаги Хўжалик судига мурожаат килинади.

31. Буюртмачи шартнома бўйича ажратилаётган маблагларнинг самарали ва максадли сарфланишини назорат этиш учун аудиторлик текшируви утказишга хакли.

X. ФАВКУЛОТДА ХОЛАТЛАР (ФОРС-МАЖОР)

32. Тарафлардан хеч бири бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкири пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган холатлар, бунга кушиб уруш эълон килиши ёки амалда бошланганинги, фукаролик тартибсизлик, блокада, ёнгин, табиий оғатлар ёки бошка тарафларга боғлик булмаган сабаблар туфайли тут ёки кисман бажармаганликлари учун жавобгар булмайди. Мажбуриятларни бажариш муддати фавкулодда вазият давом этидиган муддатгача узайтирилади. Агар ушбу фавкулодда вазият икки ёки ундан ортик ой давом этидиган булса тарафлар шартномада белгилангандан даражада бажаришдан воз кениш хукукига эга буладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришнинг имконияти булмай колган тараф иккинчи тарафни уч кун ичига бу хабардор килиши керак (телеграф ёки телефон алоқа воситалар ёрдамида).

33. Бартараф этиб булмайдиган кучларнинг таъсирида мажбуриятларни кисман ёки тулик бажара олмаслик хакидаги тарафларнинг узаро келишувини асосида расмийлаштирилади.

XI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

35. Бажарувчи курилиш обьектига ёки унинг алохиди кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

36. Мазкур шартномага барча ўзгарттириш ва кўшимишталар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

37. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимишталар ёки ўзгарттиришлар шаклида ёзма руҳсати тасдиқлаши керак.

38. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

39. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

БАЖАРУВЧИ

Хоразм вилояти АЙХББ

Манзили: Урганч ш. Хива шоҳ кучаси 1 км.

Тел/факс: 224-57-27

ш/хр: 304510860334017045163118001

ИНН: 201715124

ОКОНХ: 97400

Молия Вазирлиги Газнечиллиги

Банк: Марказий Банкнинг Тошкент ш. бош бошкармаси

х/хр: 3045100001010

МФО: 00014

Янгибозор ТИФУК

Манзили: Янгибозор туман Й.Бобоҷонов кучи 30

Тел/факс: 41-92-567

М.х/р: 22626000800444907001

х/р:

Банк: Миллий банк Урганч филиали

МФО: 00547

ИНН: 201018760

ОКОНХ: 61129



М. Садуллов
(Ф.И.О.)
Х.Палванов



Р. Жуманов
(Ф.И.О.)